290994

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 24 сентябрь • Шанба • № 75 (14236) ترکستان ✽ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

# ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 сентябрь куни халқаро валюта фондининг II Европа департаменти директори ўринбосари Эдуард Брау ва ана шу фонднинг Ўзбекистондаги вакили Иштван Цалкаини қабул қилди. Суҳбат чоғида халқаро валюта фонди билан ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистонда ислоҳотлар қатъий режа асосида амалга оширилмоқда, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Бу ислоҳотлар мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартириши керак. Албатта, бу ўзгаришлар иқтисодий заминга қурилиши лозим. Шунинг учун ҳам биз халқаро валюта фонди билан ҳамкорликка катта эътибор бермоқдамиз.

Э. Брау самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор қилди. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун Ўзбекистонга кредит ажратиш ҳақидаги ҳужжат яқин орада имзоланади, деб умид билдирди.

Суҳбатда Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ XVI СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

23 сентябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов бошқарди.

Фан ва экология масалалари қўмитаси раиси А. Жалиловнинг Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ҳақидаги маърузаси тингланди. Депутатлар бу қонунни қабул қилдилар.

Олий Кенгаш айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Келгуси йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ваколатлари муддатларининг тугаши муносабати билан Олий Кенгаш шу йилнинг 25 декабрига Олий мажлис депутатлигига, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайлов тайинлади.

Сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи қарорларини тасдиқладилар.

Парламент Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасидаги фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномани ҳамда консуллик конвенциясини ратификация этди.

Олий ва Олий хўжалик судлари таркибига ўзгартиришлар киритилди.

Депутатлар ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иши тўғрисидаги ахборот матнини тасдиқладилар ва уни матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.



## ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ XVI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам халқ ноиблари!

Қадрли дўстлар!

Олий Кенгашнинг бугунги XVI сессияси давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга моликдир.

Аввало, бу сессия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги санасига тўғри келгани билан эътиборга сазовор. Куни кеча бўлиб ўтган байрам тантанаси бутун халқимиз ва жаҳон аҳлига танлаган йўлимизнинг тўғрилигини, мустақил тараққиётнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини яна бир намоён этди.

Бу байрамни мамлакатимиз барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги ҳукм сурган бир шароитда, бозор иқтисодиёти сари амалий қадамлар қўйилаётган, аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама муҳофаза қилинаётган, давлатимиз ҳалқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган бир вазиятда нишонлади.

Уч йил — тарих учун қисқа фурсат. Аммо жамият тараққиётини ҳал қилувчи замонда давр календарь варақалари билангина эмас, балки жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг теранлиги ва аҳамияти билан ўлчанади.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, биз ўз миллий давлатимиз ривожининг бутун бир тарихий даврини босиб ўтдик, давлат тизими ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришларга эришдик.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, халқимиз иродаси ҳамда ҳолати билан сайланган дастлабки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида тарихий бурилишга асос солди, пойдевор қурди ва бошқарди.

Ўйлайманки, ҳозир ҳар биримиз, ҳар бир депутат бугун тарих бўлиб қолган фаолиятимиздаги биринчи қўйган қадамларимизни, ўша унутилмас кунларни ҳаёлда қайтадан яшаб тургандекмиз. Шу боис ўша мураккаб, чигал, айни вақтда шарафли кунларнинг мазмун-моҳиятини яна бир карра кўз ўнгимиздан, юрак ва тафаккуримиздан ўтказишимиз табиий ҳолдир.

Чунки, биз бу қисқа муддат мобайнида асрларга тенг долғали бир ҳаётни бошимиздан кечирдик. Тарихда асло ўхшаши бўлмаган ижтимоий жараёнларга дуч келдик. Тақдир бизнинг авлодимиз, сизу биз-нинг зиммамизга мисли кўрилмаган синов ҳамда вазифаларни юклади.

Шунинг учун ҳам бугун босиб ўтган йўлимизга холисона назар ташлаш, уни даврнинг асосий хусусиятлари нуқтаи назаридан идрок этиб баҳолаш зарур, деб ҳисоблайман. Баҳолаганда ҳам шунчаки расмий кўз билан эмас, балки инсонийлик нуқтаи назаридан тўғри ва ҳалол баҳо бериш лозим.

Нега деганда, жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор. Биз бу ғояни ўз фаолиятимизнинг бош мақсади деб белгиладик ва шу йўлдан оғишмай боришга интилмоқдамиз.

Аслини олганда, биз ҳисоботни халқимиз олдида, давр олдида беришимиз даркор. Қилган ишларимиздан элу юртимизга нима наф тегди, депутат, раҳбар, ёки оддий фуқаро сифатида ватанга қандай фойда келтирдик, деб ўзимизга савол берсак, менингча, адолат юзасидан иш тутган бўламиз.

Чунки охир-оқибатда бизнинг барча ишларимизга ҳаққоний баҳо берадиган одил ҳакам — бу халқ, шу азиз юртдошларимиздир.

Шу маънода ўтган даврга, аввало, дунёнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлари нуқтаи назаридан назар ташлаш ўринлидир.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги улкан ва унутилмас воқеаларга ниҳоятда бой бўлди. 70 йилдан зиёд вақт давомида дунё икки қарама-қарши лагерга бўлиниб, инсоният доимий таҳлика остида яшади. Жаҳонда ўзаро таҳдид ва кўркув муҳити ҳукм сурди.

Айни пайтда ер юзининг турли минтақаларида миллий озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб борди. Мазлум халқларнинг эрк учун кураши асрнинг ғоясига айланди. Ўзга давлатларга тобе бўлиб келган кўплаб мамлакатлар бирин-кетин эркинликка эриша бошлади. Мустамлакачилик сиёсати ижтимоий ҳодиса сифатида халқаро

майдонда ҳалокатга маҳкум этилгани тобора аён бўла борди.

Айтиш мумкинки, бу жараён XX асрнинг энг асосий, энг муҳим ижтимоий-сиёсий тамойили сифатида ажралиб туради.

Ва ниҳоят, аср адоғига келиб тарих тақозоси билан оламдаги йирик ва сўнгги империялардан бири бўлмиш СССР емирилди. Ҳар қанча олийжаноб шиорлар билан бежаб бўялса-да, моҳият эътиборига кўра мустамлака салтанати бўлган Совет Иттифоқи бесамар коммунистик тажриба қурбони бўлди.

Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган халқлар қарамлик кишанларидан халос бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, ўз ақл-заковати даражасида миллий давлатларни барпо этишга киришди.

Ўзбекистон халқи ҳам асрий орзусига эришди. Азиз Ватанимиз узра истиқлол байроғи ҳилпиради.

Ҳурматли депутатлар!

Юртдошлар!

Кейинги тўрт-беш йилда орттирилган озми-кўпми тажрибамиз, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатимизда кечаётган жараёнларнинг хусусиятлари дастлабки якунлар, ютуқ ва хатоларимизнинг сабоқлари ҳақида айрим хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Лекин бундай хулосаларни баён этиш ва таҳлил қилишдан олдин, бир зумга бўлса-да, тўрт-беш йил муқаддам бошимиздан кечган 1989-1990 йилларга хаёлан қайтайлик.

Баъзи бир ғоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

— Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

— Ўша йиллар умуман қандай давр эди?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг "Ассалом!.. деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баховаддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас меросларидан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англармидик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди! Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча бекиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур.

Ёки истиқлолнинг дастлабки чоғларини ёдга олайлик. Ўша пайтларда шундай чигал, хатарли вазиятлар рўй бердики, агар биз салгина янглишсак, ҳушёрлик ва қатъиятни озгина бой берсак, баъзи бир бақириқ-чақириқ йўлига ўтган "дохий"ларнинг гапига кирсак, ўта хотиржамлик ва ғафлатга берилсак, эҳтимол, бугунги кунда халқимиз тақдири, ватанимиз тақдири бутунлай бошқа йўлдан кетиши, боши берк кўчаларга кириб қолиши мумкин эди.

Буниям аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Шукрки, Оллоҳ барчамизга шундай қийин фурсатларда ақл-идрок берди, сабр-матонат ато этди, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатдан айирмади. Халқимиз, миллатимиз шу мушкул синов кунларига том маънода бир тану бир жон бўлиб бардош берди, ўзининг улуғ фазилатлар соҳиби эканини яна бир карра намойиш этди!

Бунинг учун мен шу элу юртнинг бир фарзанди сифатида мана шу юксак минбардан туриб халқимизга таъзим қиламан.

**Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир.**

Чунки фақатгина шу йўл билан халқимизни, миллатимизни таҳликали дунёда омон сақлаш ва камолга етказиш мумкин.

Азиз дўстлар!

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирсак, бугунги кунимизни тўқсонинчи йил билан солиштирсак, қиёсласак, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларни, эришилган ютуқларимизнинг асосий мезони деб:

**Биринчи навбатда,** одамларнинг дунёқараши ўзгариши, ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайиши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, юртимизга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайишини кўрамиз.

Қайта қуриш даврида кишилар онги бузилганини бир марта эслаб кўрайлик. Ўшанда бизлар ҳам юқумли бир касалга мубтало бўлувдик. Яъни, сохта демократия ниқоби остида қилинган узоқни кўзламаган турли ҳаракатлар ҳали ҳам ёдимизда. Биз шундай касалликдан бошқаларга нисбатан анча осон қутилдик.

Мамлакатимиз — ягона оила, деган ақида қарор топди. Жамоаларда, маҳалла-кўйда, оилада маънавий иқлим соғайганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу янги даврнинг олийжаноб хусусиятларидан биридир.

Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллатнинг ўзлигини англашидир. Ниҳоят, қайси заминда яшаётганимизни ҳис этиш, қандай гўзал ва қадимий юрт фарзанди эканимизни тугал англаш фурсати келди.

Ҳаётимизда, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси муносиб ўрин топяпти. Орамизда яна қайтадан мусулмончилик, халқимиз соддагина қилиб "ўзбекчилик" деб атайдиган меҳру оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олийжаноб фазилатлар қарор топяпти. Бу улуғ ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта аҳамиятга эга.

Ота-боболаримиз дини бўлмиш Ислом динимизни қадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири ҳаётимизни, маънавиятимизни янги маъно билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар.

Аммо биз ҳуррият орзу этишдан, ҳуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик.

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ейилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 7 ва 19-моддаларига, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши қарор қилади:*

1. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови 1994 йил 25 декабрга белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи битта сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 44,1 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига аввало маъмурий-ҳудудий бўлинишни назарда тутган ҳолда сайлов округларини муайян миқдордаги сайловчилардан иборат таркибда тузишга рухсат берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Олий мажлис депутатлари сайловини ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказувчи умумий сайлов участкалари ҳамда участка сайлов комиссиялари "Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 8 ва 14-моддаларига мувофиқ ташкил этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи**
**Э. ХАЛИЛОВ**

*Акс -садо*

## "УМИДЛАРИ САРОБ ЭКАНИНИ АНГЛАГАЧ..."

**"Халқ сўзи" газетасининг 1994 йил 20 сентябрь сонида чоп этилган шу сарлавҳали мақола Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида муҳокама қилинди.**

Баъзи пайтда хато қилинганида инсон боласига хом сут эмган банда-да, дея қиёс беришади. У билиб- билмай чиройли хитоблару чақириқларга учиб нотўғри йўлга кириб қолади. Мақола муаллифини ана шундайлар қаторига қўшса бўлади. Унинг дил тубидан янграган, афсусу надоматга йўғрилган изҳори беихтиёр кишини ўйлантиради. Мустақил давлатимизда демократик — ҳуқуқий тамойиллар, мавжуд кўп партиявийлик тизими шароитида юзага келган Эрк ДПси ва унинг "дохий"ликка даъвогар раҳбарлари қанчадан-қанча соф ва виждонли юртдошларимизнинг шахсий ҳаёти, аҳвол руҳиятига маънавий зарба берди. Хусусан, бу борада партия раҳбарияти, айниқса, унинг раиси Муҳаммад Солиҳнинг ҳатти-ҳаракатлари қаттиқ қораланишга лойиқдир. Энг ачинарли томони шундаки, улар "улуғ" ғояларни ниқоб қилиб олиб мансаб талашиш, ҳокимиятни эгаллаш ўй-дарди билан иш тутишди. Уларнинг эл ўртасида сохта обрў орттиришига қаратилган фаолияти натижасида халқнинг фикрини чалғитиш, жамиятда носоғлом вазиятни юзага келтириш ҳоллари рўй берди. Бироқ, тарих ўз ҳукмини чиқарди: кимнинг ким эканлиги маълум бўлиб қолди. "Эрк"чиларнинг асл башараси очилди.

Бугун юртимизда халқ фаровонлигига қаратилган катта ислоҳотлар, хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу юмушларда республикамиз ёшлари ҳам фаол иштирок этишяпти. Ҳар бир йигит-қиз Президентимиз атрофида жипслашиб, эл учун, юрт учун ёниб яшаш, баракали меҳнат қилиш кераклигини дилдан ҳис этмоқда.

Халқимизда "ит ҳуради — карвон ўтади" деган ажойиб нақл бор. Шунга кўра, бугун хориждан туриб ўз элига, элдошларига тухмат тошларини отаётган аламзадаларга айтадиган гапимиз битта:бизни Ватан равнақи йўлидаги мақсадларимиздан чалғитишга уринишингиз беҳуда. Улар "қўлингдан яхшилик келмаса, ҳеч бўлмаса ёмонлик қилма", деган ҳикматга амал қилишса фойдадан холи бўлмас эди.

**Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси матбуот хизмати**

# ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти.

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Отабобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Тарихий шон-шуҳратимизни, бугунги кунимизни, жаҳонда тутган ўрнимизни англаб, порлоқ келажакка муносиб соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишга эътибор бераётганимиз ҳам — бугунги кунимизнинг ёрқин белгисидир.

Янги жамият ва давлат қуришда дадил қадамлар қўйдик.

Тоталитар тузумдан ва унинг бошқарув услубларидан батамом воз кечдик. Республикада жаҳон тажрибасига жавоб берадиган, ўзимизнинг дунёқарашимизга мос сиёсий тизим қарор топяпти.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳудудида миллий онгимиз ва анъаналаримизга хос ҳокимлик институти барпо этилди. Айни замонда, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга, яъни маҳаллага катта эрк ва ҳуқуқлар берилди. Янги бошқарув тизими халқимиз табиатига, халқимиз талабига мос келиб, юртимизда тинчлик ва тотувликни сақлаш гарови бўлмоқда.

Бошқарувга янги ва ёш, жисмоний ва маънавий соғлом авлод вакилларининг кўпроқ жалб этилаётгани ҳам — бугунги куннинг яна бир фазилатидир.

Катта ютуқларимиздан яна бири шуки, биздан олдинги авлодлар озиқланган муборак заминда янги юксак бино — буюк давлат қуриш ва жаҳон давлатлари орасида муносиб ўрин эгаллаш учун ҳаракат бошланди.

Бу улуғвор мақсад сари сабот билан интилиш ҳам — янги давр аломатидир.

Юртимизда бошланган бундай ҳаракатларда фахрийларимиз, нуроний отахонларимиз ва онахонларимизнинг ҳиссаси катта бўлгани бизни беҳад қувонтиради. Уларнинг биз билан бирга, ёнма-ён, елкама-елка туриб, бизларга ақл ўргатиб, онгимизни бойитиб, керак бўлган чоғларда, бугунги тинч ва осойиш ҳаётимизнинг қадрини тўғри тушунтириб, савоби ишларимизга оқ фотиҳа бериб тургани бизга доимо мадад бўлади, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Яъники, бизнинг жамиятда бўлиниш, парокандалик юз бермади. Аҳиллик ва умум маслаҳати қарор топди. Бу ҳам бизнинг энг муҳим ютуғимиз ва кучимиздир.

Айни замонда, ўз миллий мафкурамизни шакллантириб, ўзлигимизни тобора кўпроқ англаб бораётган бир шароитда бошқа миллатларга ҳурмат, юртимизда яшаётган ҳар бир инсонга — унинг ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар — муносиб шароит яратиб бериш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам бугунги даврнинг энг олийжаноб фазилатидир.

Ҳурматли депутатлар!

Бугунги ҳаётимиздаги энг долзарб вазифа, бу — иқтисодий ислоҳатларни тез суръатлар билан пировардига етказиш, уларнинг самарасидан баҳраманд бўлишдир.

Бунинг учун бошлаган ишларимизни жадал давом эттиришимиз керак. Бугунги кундаги энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифа — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ишларини охирига етказиш, мулк шаклини ўзгартириб, уни ўз эгасига топшириш деб биламан.

Бу вазифани бажаришда — хоҳ саноатда ёки қурилишда, хоҳ савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида, хоҳ қишлоқ хўжалик тармоқларида бўлсин — ҳеч қандай расмиятчиликка, хўжакўрсинликка, "мендан кетгунча — эгасига етгунча" деган бепарволикка йўл бермаслик керак.

Белгиланган тадбирларимизда энг катта эътибор — мулкчилик шаклидан қатъий назар — корхона, ташкилот, хўжалик меҳнат жамоаларининг **иқтисодий мустақиллигини** янада мустаҳкамлаш, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилади.

Яна бир муҳим масала. Шахсий ва хусусий мулк эгаларига, уларнинг даромадига кўз олайтирмасдан, кенг йўл очиб бериш. **Қонун ва фармонларимизда белгилаб қўйилган дахлсизлик ва кафолатларнинг қоғозда эмас, амалда бўлишига эришмоқ даркор!** Афсуски, ҳозирча ҳаётда шундай бўлмаяпти. Аввалги — ҳаммани сунъий равишда тенглаштириш даври ўтди. Бу масаладаги қарашимизни ўзгартиришимиз даркор. Чунки биродам ҳалол меҳнати орқали бойиса, бошқаларга ҳам нафи тегади. Халқ бой бўлади.

Маълумки, меҳнат жамоаларига биз талай эркинликлар бердик.

Халқ хўжалигини бошқариш тизими қайта тузилди. Вазирликлар ва уларнинг органлари маъмурий бошқарув тизимининг жойлардаги бўлими сифатида тугатилди.

Давлат буюртмалари бекор қилинди ёки кескин қисқартирилди. Эркин нархга ўтдик. Бор ҳуқуқ ва имкониятлар бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзларига бериб қўйилди.

Бу тадбирларимиз илк самарасини бермоқда. Лекин ислоҳотлар йўлидаги фаолиятимизни танқидий кўз билан холисона баҳоласак, кўп ачинарли ҳолатларни кўриш мумкин.

Аввало, ишлаб чиққан дастуримиз, тадбирларимизни ҳаётга тадбиқ қилишда айрим раҳбар ва ходимларнинг **тушунчаси, ислоҳотга муносабати ва масъулияти, иш бажариш интизоми** кўп жойларда талаб даражасида эмас.

Бир нарсани жуда яхши ўрганиб олганмиз: минбарларда, мажлисларда сўзга чиқиб, ислоҳотларни мақтаймиз, иш қиляпмиз, деб одамларни ишонтирамиз, баланд парвоз ваъдалар берамиз, амалда эса — бутунлай бошқа ҳолат.

Бундай юқумли касалликдан, хўжакўрсинга вайсашдан, расмиятчиликдан тезроқ қутилиш керак. Бундай ҳолатнинг чўзилиши, аввало, ислоҳотнинг ўзига, аҳамияти ва обрўйига доғ тушириши, охир-оқибатда эса, одамларимизнинг ислоҳотлардан ихлоси қайтишига сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги энг муҳим вазифа — халқимизнинг, ишчиларимизнинг бор кучини бунёдкорликка сафарбар қилиш.

Албатта, ҳаммамиз ҳам биринчи навбатда, раҳбарлик лавозимида ўтирган кишилар, бугунги кун талабларига жавоб бериш учун билим ва малакамизни оширишимиз, замонавий тажрибаларни қунт билан ўрганиш, изланиш ва тадбиркорлик йўлида ўзимизни аямаслигимиз лозим.

Албатта, тайёр раҳбар ва мутахассисларни топиш қийин. Аслида бу — энг мураккаб масала. Чунки раҳбарлик қобилияти ҳам одамнинг пешонасига битилган бўлади. Агар раҳбар эгаллаган лавозимига муносиб бўлса, ўша жойда халқ ўз ҳимоясини топади. Лекин, минг афсуски, раҳбарларимизнинг кўпчилиги ҳануз боқимандалик кайфиятидан қутилгани йўқ, эски тизимнинг қотиб қолган услуб ва асоратларидан халос бўлмаяпти.

Кимдир юқоридан келиб уларга ҳамма шарт-шароитларни ташкил қилишига умид боғлаб, ўз масъулиятини сезмасдан ўтирган раҳбарларни учратиш жуда ачинарли ҳолдир.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бугунги қийинчиликларни енгиш, тўғри йўл топиш, бу — жуда мураккаб ва қийин вазифа. Лекин, шу билан бирга, раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамларниггина раҳбарлик тўнини кийишга ҳаққи бор. Элим, юртим деб ёниб яшаш керак деган шиор энг аввало ана шу раҳбарларнинг ҳаётий маслаги бўлмоғи лозим.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатдики, инсофли, янгиликка интилувчи, кучли раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишилар кўпаяди. Қарабсизки, бундай иш қайнаб турган жойда муҳит ҳам соғлом, одамларнинг кайфияти ҳам яхши.

Муҳит қаерда носоғлом? Бу саволга аниқ жавоб бериш мумкин.

Қўлидан иш келмайдиган, манманликка берилган, ғўдайган, атрофидагиларни менсимайдиган, уруғчилик, маҳаллийчиликни авж олдирган, аввало ўз манфаатини кўзлайдиган раҳбар шундай носоғлом аҳволга, жанжал, тўполон, қарамақаршилик ва адоватга тўла муҳитга сабаб бўлади.

Халқимиз "бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади", деб бежиз айтмайди, муҳити носоғлом бундай хўжалик ва туманларда ҳақиқатдан ҳам файзу барака ва омад йўқолади. Шунга қараб, хулосани ўз вақтида чиқарсак, ишимиз ҳам ўнгидан келиб, тезроқ юришиб кетади.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Ҳаммангизга маълумки, бизга эски тузумдан мерос бўлиб қолган носоғлом иқтисод асоратларини йўқотмасдан, айниқса, хом ашё минтақасига айланган, бир ёқлама ривожланган ишлаб чиқаришни ўзгартирмасдан туриб, тўла мустақилликка эришиш қийин.

Ўтмишнинг бундай оғир асоратларини ҳали ҳамон сезиб турибмиз.

Шу боисдан ҳам эски хатоларни тузатиш билан бир вақтда, бутунлай янги иқтисодиётни шакллантиришимиз керак.

Соҳа тизимлари жиддий ўзгартиришларга муҳтож. Қисқа вақт мобайнида кескин ўзгаришларга эришиш, биринчи навбатда, ихчамгина замонавий технологияга суянган тайёр маҳсулот чиқарувчи корхоналарни бунёд этиш ўта мушкул экани равшан ва бу кўплаб маблағ ҳамда инвестицияларни талаб этади.

Лекин бугуннинг ўзидаёқ халқ хўжалигини жумҳурият эҳтиёжлари ва халқ талаблари томон буриш учун бутун кучимизни сарфлашимиз зарур. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Энди уларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш керак.

Маълумки, ҳар қандай давлат, шу жумладан, жумҳуриятимиз ҳам энергетика мустақиллигига эришгандагина чин маънода мустақил бўла олади. Яқин-яқингача биз ҳаётмамотимизга дахлдор нефть, нефть маҳсулотлари ва энергия ресурсларини асосан Россиядан олиб келишга мажбур эдик. Лекин кейинги икки-уч йил мобайнида бу соҳада ҳам мустақилликка эришиш йўлида кўп иш қилинди. Мен бугун Мингбулоқ, Кўкдумалоқ конларини ўзлаштиришда матонат кўрсатган инсонларга яна бир бор ташаккур айтаман.

Бугун эса вазият ўнгланмоқда. Ёқилғи-энергетика мажмуи яхши ишламоқда. Нефть, табиий газ, кўмир қазиб олиш ҳажми кўпайди. Нефть қазиб олиш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизнинг ўзида мазут, дизель ёнилғиси, нефть мойларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада ортди. Бу борада Мингбулоқ ва Кўкдумалоқдаги нефть конлари яхши истиқболлар очмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари жадал давом этмоқда.

Бутун Ёқилғи-энергетика комплексини бундан буён ҳам жадал ривожлантириш сиёсатимизнинг устивор вазифаси бўлиб қолаверади.

Жумҳуриятимиз ҳамиша ўзининг қишлоқ хўжалик соҳасида етиштириладиган хомашеси билан донг таратиб келган. Шу нуқтаи назардан, қайта ишлаш соҳаларида ихчамгина ва тижорат талабига жавоб берадиган корхоналарни қуриш ва уларни замонавий технология билан таъминлаш, сифатли ва рақобатга бардошли халқ истеъмол маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш муҳим стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

Энди биз хомашё ёки арзон-гаров ярим тайёр маҳсулотлар эмас, аксинча, замонавий, ўта харидоргир тайёр моллар сотишни ўрганишимиз зарур.

Ҳудудий тизимни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг салоҳияти ва меҳнат имкониятларидан етарли даражада ва самарали фойдаланаётгани йўқ.

Юртимизда ҳалигача ишлаб чиқариш базаси ривожланмаган. Инфраструктураси қолоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқлар кўплаб топилади.

Афсуски, айрим жойларда одамлар сифатли ичимлик сув, табиий газ ва маиший хизмат турларидан баҳраманд бўла олмаяпти. Галдаги вазифа қишлоқ аҳолисига ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.

Бунинг учун ҳудудларни комплекс ҳолда ривожлантириш, қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириш — бугунги долзарб вазифамизидир.

Илгари бир неча бор таъкидлаганимиз гапни яна бир марта қайтариб ўтмоқчиман: ўзининг келажагини ўйлайдиган ҳар бир давлат, аввало, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмак бериши зарур. Унга ҳар томонлама: иқтисодий, моддий ва илмий-техник жиҳатдан ёрдам қилмоғи шарт. Қишлоқ иқтисодимиз ва халқимиз фаровонлиги пойдеворидир.

Биз шу пайтгача қишлоқ хўжалигига асосий эътибор бериб келдик ва шундай бўлиб қолажак. Бу соҳага кўп имтиёзли иқтисодий шароит яратилмоқда. Пахта ва ғалланинг харид нархлари бир неча марта оширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли барчаси эркин нархларда сотилмоқда. Давлат буюртмасини пешма-пеш камайтириб, хўжаликларнинг ўзига кўпроқ иқтисодий эркинлик беряпмиз. Давлат хўжаликлари жамоа ва ижара хўжаликларига айлантирилмоқда.

Деҳқон-фермер хўжаликлари сони, улар ихтиёридаги ер майдонлари ва томорқалар кўпаймоқда.

Шу билан бирга, қишлоқдаги ислоҳотлар тоқат қилиб бўлмайдиган даражада суст кечаётганини ҳам тан олиш керак.

Билмадим, сиз ҳурматли депутатлар буни қандай баҳолайсиз, лекин, менимча, қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотларни охиригача етказиш йўлида тўсиқ-ғов бўлиб турган **расмиятчилик, лоқайдлик, ўтакетган бепарволик, боқимандалик ва порахўрлик** каби иллатларга қарши жиддий кураш бошлаш вақти келди, деб ўйлайман.

Токайгача ислоҳот йўлида қонунқарорлар қабул қилиб, уларни амалга оширишга турли поғоналарда тўсиқ бўлиб турган масъулиятсиз, ўз манфаатларидан ўзга ҳеч нарсани билмайдиган одамларга чидаб юрамиз?

Токайгача тили бошқа-ю, дили бошқа бўлган одамларни сафимизда сақлаймиз?

Бугунги вазиятга бир назар ташласак, юқорида — Республика даражасида қабул қилинган фармон ва қарорлар жойларга етиб боргунча, айрим мунофиқ амалдорлар уларни амалга ошириш у ёқда турсин, мазмунини ҳам ўзгартириб юборади. Айтинглар, токайгача бу аҳволга тоқат қилиб турамиз?

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон учун, халқимиз учун, иқтисодий мустақиллигимизга эришиш учун ғаллага бўлган эҳтиёжимизни ўз кучимиз билан қондиришнинг аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, халқимизни боқиш учун 3 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла керак. Шунча ғалла тайёрлаш учун Ўзбекистонда тўла шарт-шароит ва имконият бор. Шу йилнинг ўзида ғаллакорлик учун 650 минг гектар суғориладиган ва 550 минг гектар лалми ер ажратилган эди.

1995 йилда эса бу мақсадларга, лалми ердан ташқари, суғориладиган ернинг ўзидан 1 миллион гектарга яқини ажратилиши белгиланди. Ўзингиз бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг, қадрли дўстлар, агар шунча суғориладиган ернинг ҳар гектаридан 35-40 центнердан ғалла олсак — марра бизники.

Лалми ерлардан эса ўртача 10 центнердан ҳосил олинса, бу — яна қўшимча 500 минг тоннадан ортиқ ғалла демакдир.

Яна такрорлаб айтаман, республика бўйича ўртача 40 центнердан ғалла олиш, бу — қўлимиздан келадиган вазифа. Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча.

Лекин, бугунги кунда аҳвол жуда ачинарли. Ўзларинг айтинглар! нега Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида айрим бригада ва хўжаликлар 60-65 центнердан хирмон кўтаради-ю, Тошкент вилоятида ва бошқа қолоқ туманларда бу кўрсаткич ўртача 22 центнердан ҳам ошмайди?

Қорақалпоғистонда сувли ердан олинган ўртача ҳосил 8 центнер бўлса, буни биз қандай баҳолашимиз керак?

Бунинг сабабини, биринчи навбатда, раҳбарларнинг масъулияти ва ерга муносабати сустлигида кўриш керак. Қолаверса, узоқ йиллар мобайнида биз "пахта, пахта" деявериб, ғалла етиштириш технологиясини, сир-асрорини унутиб қўйдик.

Нафақат СССР, балки бутун дунёдаги социалистик давлатларнинг пахта мустақиллигини таъминлаган мамлакатимиз, нима учун нон ва ғалла масаласида ўзининг мустақиллигига эриша олмайди?!

Мустақиллик, истиқлол ҳақида баландпарвоз гаплар билан юрган айрим ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларига шу саволни беришимиз керак:

**Барака топкурлар, халқимизнинг асосий озиқаси бўлмиш нон билан таъминлашда белни қаттиқ боғлаб, ўзларингни кўрсатинглар. Ҳақиқатда ҳам Ватан ва юрт мустақиллиги ва истиқболига садоқатли эканингизни сўзда эмас, амалда исбот қилинглар!**

Ҳамма, айниқса ҳокимлар билиб қўйсин: бу масала бўйича сўроқ жуда қаттиқ бўлади! Бундан буён ҳар бир раҳбарнинг фаолияти Ватаннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга нечоғли ҳисса қўшгани билан ўлчанади.

Шу маънода ўзимизни картошка билан таъминлаш масаласини олиб кўрсак, ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган аҳволга дуч келамиз. Ўтган йили Голландиядан келтирилган 12 минг тонна уруғлик картошканинг 3 минг тоннаси чириб кетган. Сабаби — ишга масъулиятсизлик, халқ мулкига хиёнат. Аввало, технология талабига кўра июнь-июль ойларида экилиши лозим бўлган картошка, бир ой кеч — августда ерга тушган. Қолаверса, ихтисослашган сабзавотчилик институтимиз бўлатуриб, уруғликнинг бизнинг шароитимизга мос келадиганини танлаб олиш учун ҳеч ким сафарбар қилинмаган. Бу ҳол бу йил ҳам такрорланганига нима дейиш мумкин? Бу иқтисодий қўпорувчиликка ким жавоб беради? Ким айбдорларни жазолайди? Бундай ҳолатларни кўриб одам ёниб кетади!

Муҳтарам дўстлар!

Халқимиз бекорга "Ерни боқсанг, ер сени боқади", деб гапирмайди. Афсуски, ерга муносабатимизни ижобий баҳолаш қийин. Бошқа давлатлар билан солиштирганда, бизда ер унумдорлиги, ҳосилдорлиги бир неча марта кам эканини ҳаммамиз яхши биламиз-у, лекин нега тегишли чора кўрмаймиз?

Яна бир мисол: бугунги кунда одамларнинг эҳтиёжини қондириш учун ажратилган сувли томорқа ерлари майдони тахминан 700-750 минг гектарни ташкил этади. Томорқага ишлов бериб, катта даромад топиб, рўзғорини обод қилаётган миришкор деҳқонларимиз жуда кўп.

Шу билан бирга, айрим жойларда ҳар қаричи олтинга тенг бебаҳо томорқа ерларини ажриқ босиб ётганини кўрган одам: "Ажабо, ер эгаси ҳам шунчалик ношукур бўладими?!", деб ҳайратдан ёқасини ушлайди.

**Қиссадан ҳисса шуки, томорқани ерни севган, ерга меҳри баланд, ерни улуғлайдиган деҳқонларга беришимиз керак. Ерни тешган, ерни хор қилиб қўйган одамларни томорқадан маҳрум қилиш зарур.**

Агар замонавий юксак деҳқончилик маданияти нуқтаи назаридан қарасак, Ўзбекистон шароитида 4 миллион 200 минг гектар сувли ер бўлса, ана шу майдонда аҳолининг бор-йўғи 7-10 фойизи ишлаб, иқтисодимизнинг, халқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама таъминлаши мумкин.

Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳолининг қолган қисмини бошқа етарли даромад берувчи тармоқлар, саноат, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этиш масаласини ҳал қилишимиз даркор.

Мисол учун, Жанубий Корея Республикасида 2 миллион гектар суғориладиган ердан, яъни Ўзбекистонга нисбатан икки марта оз ердан олинадиган маҳсулот, 42 миллионлик халқини таъминлаб, яна экспортга ҳам жўнатилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бор-йўғи 5-7 фоиз ишловчи аҳоли банд, хулосани ўзингиз чиқараверинг.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Шу йилнинг 1 июлидан жумҳурият ҳаётида, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш соҳасида янги босқич бошланди. Янги миллий пул бирлиги — сўмни муомалага киритдик. Биз бу муҳим ишга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрдик. Миллий валюта — бу миллий ғурур, давлат мустақиллиги рамзи ҳамда эгамен давлат белгисидир. У юксак қадр-қиммат ва куч-қувватга эга бўлмоғи керак.

Бунга эса рақобатга бардошли маҳсулотларнинг, шунингдек, заҳираларнинг етарлилиги билан эришилади. Асосий вазифа миллий пул бирлигимизни мустаҳкамлаш ва уни дунёда ҳамма бирдай қадрлайдиган валютага айлантиришдан иборатдир.

Жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишининг, корхонанинг фаровонлиги муомаладаги миллий валютанинг барқарорлигига боғлиқ эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Ўз валютамизнинг барқарорлиги ва эркин муомаласини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ва ҳукумат қабул қилган тўртта дастурни амалга оширишимиз зарур.

**Биринчидан,** сўмнинг харид қувватини ошириш учун тез орада бозорларни харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш зарур. Асосий вазифа халқнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириши керак бўлган ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат.

Бунинг учун биз халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам бериб борамиз, инвестицияларни биринчи навбатда ўша тарафга йўналтирамиз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз. Ушбу йўналиш бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар бор. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу — енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатлар хизматидир.

Аҳолига сотилаётган истеъмол товарларининг умумий ҳажмида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, барчамизни қувонтиради, лекин хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Биз ҳали кўплаб зарур озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини четдан олиб келишга мажбур бўляпмиз. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш лозим.

**Иккинчидан.** Биз такрор-такрор таъкидлаганимиздек, ислоҳотнинг асосий йўналишларидан бири — экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мувофиқлаштириш, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам мавқеимизни эгаллашдир. Бундан кейин ҳам экспорт учун маҳсулот ишлаб чикариш йўлини белгилаб олган корхоналарга хомаше билан таъминлашда ҳам, инвестиция олишда ҳам имтиёзлар бериб борамиз. Биз шундай имкониятлар, шундай механизмлар яратайликки, токи корхоналаримиз жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга тўла юз тутсин.

Улар ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиб, қатъий валюта ишлаб топишни ўрганишлари ва республика хазинасини тўлдиришлари шарт. Бу уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоалари олдидаги, бутун халқ олдидаги вазифаси, муқаддас бурчидир.

**Учинчидан.** Молия-кредит сиёсатини изчил ўтказиш шарт. Биз ўз молиявий қувватларимиздан тежаб-тергаб, ҳисобдонлик билан фойдаланишни ўрганайлик, унинг сочилиб кетишига йўл қўймайлик. Халқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўм катта фойда билан қайтиши ва республиканинг эртанги куни учун, келажаги учун ишлаши шарт.

Корхоналар, ишбилармонлар давлатдан олган маблағлари, кредитларини фойдали ва аниқ мақсадлар учун йўналтириш масъулиятини таъминлаш ёзилмаган қонунга айланиши шарт. Айни пайтда кредитларни ўз вақтида қайтаришга ҳам ўрганиш керак. Ва ўз навбатида кредит бериш шартлари шундай бўлсинки, корхона қарз олиш масъулиятини доим ҳис этиб турсин. Ундан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун самарали равишда фойдаланишга ҳаракат қилсин.

**Тўртинчидан.** Энг муҳим масала — ички бозоримиздаги истеъмол моллари ва муомаладаги нақд пул ҳажмининг мутаносиблигини таъминлаш — пул қадрини сақлаш ва кучайтиришнинг асосий гарови ва шартидир. Фақатгина шу йўл билан инфляцияга қарши курашиш ва унинг даражасини кескин пасайтириш имконига эга бўлишимиз мумкин. Фақат шунинг ҳисобидан миллий валютамиз саломатлигини сақлаймиз.

"Сўм"имиз қандай куч билан ишлай бошлаганини биз ҳаммамиз ҳис этиб улгурдик. Деҳқон бозорида нарх-наво кескин тушди, пулнинг қадрсизланиши кескин даражада қасайди. Ва бу ижобий жараённи мустаҳкамлаш керак.

Зикр этилган фикрларнинг асосий маъноси шуки, муомаладаги пул ҳажмини кўпайтирмаслик, яъни пул эмиссиясининг ошишига, пулнинг аҳоли қўлида ушланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Ҳаётдаги оддий бир қоидага эътибор берайлик: аҳолининг қўлидаги нақд пулнинг ҳажми кўпайиши билан одамларнинг ҳаёт даражаси ўсмайди.

Дастгоҳ — ўз қўлимизда деб, миллий пулимизни кўпроқ босиб чиқариш, шунинг ҳисобидан, аҳоли қўлига кўпроқ қуруқ пул етказиб бериш бугунги кунда қийин вазифа эмас.

Ҳаёт даражаси ўсишига эришмоқ учун, албатта, меҳнатчилар оладиган маош, нафақахўрларга бериладиган нафақа, студент ва ўқувчиларнинг стипендияси, умуман одамларнинг даромадлари ўсиши керак. Лекин пул ҳажми ўсишига нисбатан, ундан ҳам олдин ички бозоримиздаги моллар ва пулли хизматлар ҳажмини тез суръатлар билан оширишни таъминлашимиз лозим.

Содда қилиб айтганда: ҳар қайси кишининг киссасида бўлган пулига бозоримизда етарли даражада керакли мол ва эҳтиёжимизни қоплайдиган хизмат турлари бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Ислоҳотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири — аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни, қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

Бундай керакли ва савобли мақсадларни амалга оширишда биз аҳолининг ўз-ўзини бошқариш тизимига, бугунги ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллаларга суяниб ишлашга қарор қилдик.

Ҳар бир банкнинг маҳаллий бўлимларида махсус ҳисоб варақалари орқали, маҳаллалар қарорларига биноан, кам даромадли ва муҳтож оилаларга ёрдам бериш ҳақида фармон чиқардик.

Ишонамизки, бундай олижаноб ишларни ҳаётга тадбиқ этишда, адолат сақлашда маҳаллаларимизнинг оқсоқоллари ва ишончли фаоллари ўз куч-ғайратини кўрсатади ва халқимиз назарида обрўсини янада оширади.

Ижтимоий ёрдам беришнинг ҳам яхлит, пухта бир тизими ишлаб чиқилиши даркор. Бунда давлат ва жамоатчилик идоралари, айниқса касаба уюшмалари, турли хайрия жамғармалари биргаликда ҳаракат қилмоғи жоиз.

Азиз дўстлар!

Биз қураётган жамият адолат ўрнатишни, ҳеч кимни оғир аҳволда ва муҳтожликда қолдирмасликни ўзининг энг катта мақсади, деб билади. Унинг оёққа туриши учун зарур ёрдам беради. Шундай экан, илгари айтган бир гапимни яна такрорлайман: **Инсон — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун хизмат қилиши керак.**

Айни вақтда ҳар қайси инсон, аввалambор, фарзандларимиз республикамизнинг тараққиёт сари қўйган ҳар бир қадамини ўз орзу-ниятлари ушалиши учун туғилган яна бир имконият деб англаши лозим. Бунинг учун биз болаларимизни собитқадам, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор беришимиз керак.

Бундай тарбия асосида авлодлар ворислиги ётмоғи керак. Бизнинг онгу шууримизга катталарга ҳурмат, ишда, одамлар билан муомала-муносабатда ота-онамиздан ўрнак олиш, ота-боболаримиз бошлаган ишни давом эттиришдек олижаноб туйғулар сингдирилган. Халқимизнинг бу анъанасини ҳар томонлама ўстиришимиз ва мустаҳкамлашимиз зарур.

Бу муҳим вазифани бажариш учун ўқув ва тарбиядаги услубларни муттасил такомиллаштирмоқ керак.

Ҳам давлат, ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла-мактаб-оила ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бақувват, ахлоқан етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч қандай куч ва маблағларини аямасликлари керак.

Бундай сиёсат фаровон ва мустақил Ўзбекистонимизнинг пойдеворини мустаҳкам қилишимизда устивор давлат дастурига айланиши даркор. Бизнинг барча маънавий, ахлоқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатларимиз ана шунга суяниши лозим.

Ахир, маданиятимиз, тарихимиз — бизнинг энг катта, кўз қорачиғидек асрайдиган бойлигимиз. Улар ҳеч қачон эскирмайди, инқирозга юз тутмайди, яроқсиз ҳолга келмайди. Улар одамни, жамиятни маънан ёшартириб турадиган бебаҳо неъматлардир. Ана шу неъматдан ҳар бир кишини баҳраманд этиш — биз қураётган жамиятнинг асосий мақсадидир.

Яқинда, шу ўқув йили бошланиши билан, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 24-инчи мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Бу мактаб бугунги замонавий ҳаёт талабларига жавоб берадиган ўқув даргоҳига айланди. Бир қарашда, бу мамлакат миқёсида, Тошкент шаҳри миқёсида унчалик кўзга ташланмайдиган воқеа. **Лекин, бунга бошқача кўз билан қарасак, шу мактабда тарбия олаётган 1800 боланинг 1800 оиласи мана шу ғамхўрликдан баҳраманд ва бахтиёр бўлганига мен ишонаман.**

Қани энди, шундай олижаноб воқеалар юртимизда, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқда янада кўпроқ бўлса! **Қани энди, ҳар қайси ҳокимлик вазифасида ўтирган, ўзини халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбар биттадан шунга ўхшаш мактаб қурса!**

Шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олиб, ҳамма имкониятларни сафарбар этиб, жойлардаги ҳокимларимиз ҳар бир туманда камида биттадан замонавий, ҳавас қилса арзигулик мактаб қуради деб ишонаман!

Ўзларинг бир ҳисоблаб чиқинглар, шу ишимиз билан қанча фарзандлар ва уларнинг ота-оналарини рози қилардик!

Биз қураётган жамият чинакам инсонпарварлик жамияти бўлиши даркор.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир миллат вакили ушбу ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи ва имкониятларидан фойдалана олсин.

Уларнинг ҳар бири бошини баланд кўтариб, фахр ва ғурур билан: "Мен — озод ва обод Ўзбекистоннинг эркин фуқаросиман!", дея олсин.

Ҳурматли депутатлар!

Ўзбекистон парламенти ўз вазифасини шараф билан адо этди.

Давлатчилигимиз, иқтисодий ислоҳотлар ва умуман янги ҳаёт биносига тамал тошларини қўйиш сизларга — мана шу муҳташам залда ўтирган инсонларга насиб этди. Бу — катта бахт.

Конституцияда кўзда тутилган ва сизлар тасдиқлаган Олий Мажлис фаолиятига келсак, сайловга ҳозирдан тайёргарликни бошлашимиз керак.

Илгари баёнот берганимиздек, янги сайлов кўп партиялик асосида, жамиятдаги барча сиёсий кучлар, ижтимоий табақаларнинг кенг иштирокида, халқаро ташкилотларнинг кузатуви билан, ҳақиқий демократик тарзда ўтишига шак-шубҳа йўқ.

Табиийки, сайловда қатнашадиган ҳар бир партиянинг, ҳар бир жамоат ташкилотининг ўз дастури ва ўз шиорлари бўлади. Аммо, бизнинг фикримизча, янги сайловларда бизнинг умумий миллий шиорларимиз, давлат аҳамиятига эга умумий мақсадларимиз ҳам баралла жаранглаши зарур.

Шундагина биз умуммиллий жипсликни ва аҳилликни таъминлай оламиз. Айни замонда умуммиллий шиорлар сайловга қатнашувчи турли партиялар ва жамоат ташкилотларининг дастурларига ҳам ижобий таъсир этади, деб ишонсак бўлади.

Сайловдан олдин халқимизнинг эътиборини ва ҳаракатини жалб этувчи мақсадларни ҳаётимизнинг ўзи аниқ ва равш

# ОЛТИН КУЗ — 94

## *Хирмонимиз салмоғи бир миллион тоннадан ошди*

# ФИДОЙИЛИК ШУ КУН ТАЛАБИДИР

**Куни кеча газетамизда эълон қилинган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котибиятининг Мурожаатномаси серқуёш диёримиз йигит-қизларини пахта йиғим-теримида яна ҳам фаол иштирок этишга ундамоқда. Теримда ёшлар ташаббускорлик кўрсатиб ишлаётирлар. Марказқўмда махсус пахта штаби ташкил этилди. Қуйидаги хабарлар ана шу штабдан олинди.**

### ШОИРЛАР ДАЛА КЕЗГАНДА...

Жиззах вилояти Ёшлар Иттифоқи қўмитаси вилоят Маданият бошқармаси ва Халқ демократик партияси билан ҳамкорликда пахта теримида иштирок этаётган дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш мақсадида тарғибот гуруҳи ташкил этди.

Бу гуруҳга ёш шоирлар, санъаткорлар жалб этилган. Дастлабки учрашув Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалигида ўтказилди. Меҳринисо Каримова, Ҳабиба Қурбонбоева ва Бахтиёр Ризоларнинг шеърлари пахтакорларда катта таассурот қолдирди.

### САРТАРОШЛАР БИРГА БЎЛИШДИ

Шаҳар ва туман маданият уйларининг ходимлари шу кунлари Беруний тумани пахта далаларини кезиб, меҳнаткашлар билан учрашмоқдалар. Учрашувларнинг мазмунли ва мароқли ўтишида Ёшлар Иттифоқи Қўмитаси ташаббускорлик кўрсатмоқда. Улар ихтиёрига алоҳида махсус автобус ажратиб берилган. Шунингдек, тарғибот гуруҳидан жой олган дорихона хизматчилари, шифокорлар, этикдўзлар ҳам ўз хизматларини бунёдкор дала меҳнаткашларидан дариғ тутмаётирлар. Ҳаттоки уларга сартарошлар ҳам ҳамроҳлик қилишмоқда.

"Севинч", "Семурғ", "Омад" ашула ва рақс ансамблларининг чиқишлари нафақат ёшлар томонидан, балки белида қуввати, билагида кучи бўлган, ўз ихтиёри билан теримга чиққан кексалар томонидан ҳам илиқ кутиб олинаяпти.

Йиғим-терим ишларида тумандаги "Правда", "Ленинизм", Навоий номли жамоа хўжаликларининг йигит-қизлари пешқадамлик қилаётганликларини таъкидлаш жоиздир.

### *АРЗИРЛИ ҲОТАМТОЙЛИК*

Кўп ҳолларда улар мендан тортинишмайди.

— Эй, опа, икки-уч ойдан бери маош олганимиз йўқ.

— Нимага?

— Пул йўқ, шунга-да.

Бугун эса мана бу хабарни айтиб ўтиришибди. Тингласам, пахта йиғим-теримида фаол иштирок этган, техника ва қўл теримида илғорлик қилган ёшларни рағбатлантириш, уларни янги меҳнат зафарларига руҳлантириш мақсадида меҳнат мусобақаси эълон қилишибди. Фақат шугина эмас. Илғорлар учун салкам 7 мингга яқин пул мукофоти ажратилган. Масалан, механизаторлар учун биринчи ўринга 2, иккинчи ўринга бир ярим, учинчи ўринга минг сўм, қўл теримидаги илғорларга, биринчи ўрин учун минг, иккинчисига 750 сўм, учинчи ўринни эгаллаганга 500 сўм миқдорида пул берилади.

Самарқандлик пахта теримида иштирок этаётганлар Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг ҳотамтойлигидан хурсанд бўлиб, улар ажратган маблағни қўлга киритишга ҳаракат қилишаётир.

**Г. АЛИБОЕВА,**
**(Ўз мухбиримиз).**
**Самарқанд.**

**Анорзорнинг анор юзли қизиман.**

**К. Ўлмасов сурати.**

*Ишлар қалай, фермер?*

# ҚЎРА ҚЎЙГА — ЎРА БУҒДОЙГА...

**• 1 миллион 200 минг сўм хизмат учун...**

**• Тўхтапўлат ўз ҳисобидан "Тўлқин" ясади.**

**• 300 кило жунга харидор чиқмади.**

**Республикамиз Президенти И. Каримовнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳатни чуқурлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш, одамларда хусусий мулкчилик туйғуларини шакллантиришга йўналтирилган қатор фармонлари эртанги кунга ишонч ва умид уйғотувчи муҳим тарихий ҳужжатдир. Мазкур фармонлар асосида ташкил топган деҳқон ва фермер хўжаликлари Хатирчи туманида ҳам ўзининг дастлабки маҳсулотлари билан келажак сари дадил одимламоқда. Яқинда жамоатчи мухбиримиз Хатирчи тумани фермер хўжаликларида бўлиб, уларнинг фаолиятлари билан танишди.**

Камол аканинг эски, шалоғи чиқиб қолган бўлсада лекин ҳозирча чарчамаган "Виллис"и бизга хизмат қилди. Машина эгаси ҳам тумандаги биринчи тузилган "Сайдон" фермер хўжалигининг раиси. 1990 йилда 30 бош қўй билан иш бошлаган. Амир Темур номли жамоа хўжалигининг ферма биносини нақд 1 миллион 700 минг сўмга сотиб олган. Ҳозир жамоада 6 киши меҳнат қилади. Фермерлар дастлабки йили кўнгилдаги маҳсулотни топшириша олмадилар. Чунки оёққа туриб олишида бироз қийинчиликка дуч келдилар, буёғи маблағ масаласи... 1992 йил эса 15 тонна сут сотдилар, ўтган йили 16 тонна сут, 1 тонна гўшт сотишди. Лекин бундан келадиган даромад билан хўжаликни юритиш мушкул. Шу боисдан Камол Каримов жамоа хўжалиги раҳбарлари билан келишиб, ижарага ер олди. Мақсад, деҳқончилик қилиб бироз даромад орттириш эди. Ўтган йили 6 гектар ерга маккажўхори, 1 гектарга қовун, тарвуз, 1 гектарга қанд лавлаги, 3 гектар майдонга беда экишди. 2 гектар ташландиқ ерни очдида, таваккал қилиб шоли сепиб ташлади. Буям ёмон бўлмади. Фақатгина техника харажати... Техника хизмати учун 1 миллион 200 минг сўмни қуртдек санаб берди.

— Ёқилғи истаганча ажратамиз, лекин кўп фермерларимизда техника йўқ-да, — дейди туман фермер (деҳқон) хўжаликлари уюшмасининг раиси Муҳиддин ака Қурбонов. — Масалан, "Сайдон" деҳқон хўжалигининг ўзига бир йилда 3 тонна бензин, 3 тонна солярка ажратамиз. Яна 10 тонна кунжара, 10 тонна ем ҳам тақсимот қилинган. Лекин улови бўлмагач қийинда.

Гарчи шундай бўлсада "Сайдон" деҳқон хўжалиги саховатпешаликни ҳам унутгани йўқ. Жамоа хўжаликдаги иккита болалар боғчасини оталиққа олиб озиқ-овқат билан таъминлаяпти. Эндиги ният ҳар иккала бинога ҳам ўз ҳисобидан табиий газ ўтказмоқчи.

— Республика раҳбариятига минг раҳмат, фермерларга катта имкониятлар яратиб беряпти, — суҳбатга қўшилди "Мақсад" фермер хўжалиги раиси Умуртош Турсунов. — Минг бир машаққат, юғур-юғурлар билан 1991 йилда 300 бош қўй, 6 бош қорамол билан хўжаликни очдик. Асосан ўтган йилдан бошлаб маҳсулот бердик. Ўшанда 600 килограмм гўшт, 4,5 тонна сут сотдик. Ҳозиргача еримиз йўқ эди. Хўжалик билан шартнома тузиб озуқа олардик. Шу йил бошида 3 гектар ер ажратиб бердилар. Жорий йилда ҳам аҳолига 5000 дона тухум, 200 килограмм гўшт сотдик. 5 нафар киши меҳнат қилади, ҳисобимизда 500 минг сўм маблағимиз бор. Бугунги фермерларни **бир нарса — техника таъминоти ва маҳсулотни мунтазам олиб турадиган ишончли жой йўқлиги қийнамоқда.**

"Тўлқин" деҳқон (фермер) хўжалигининг раиси Тўхтапўлат ака Рўзиев кўп йиллар хўжаликда, савдода, ширкатларда ишлади. Фермер хўжаликлари очишга кенг йўл берилганидан сўнг кўпни кўрган, қўлидан ҳар иш келадиган, тадбиркорликни ҳам эплайдиган Тўхтапўлат ака ҳеч иккиланмасдан, давлатдан қарз олмай ўз ҳисобидан 25 бош қорамол ва 90 бош қўй билан қонуний фермер бўлиб олди. Дастлабки йилдан бошлаб ҳозиргача 14 тоннадан ошиқ сут топширди. Аҳолига 500 килограмм гўшт сотди. Кунига 20 – 25 килограммдан сут етиштириляпти. Шу йил 4 гектар ер олди. Энди маҳсулдорликни ошириш ниятида юрибди.

Бугунги кунда Хатирчи туманида 243 та деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар эл дастурхонига қарийб 490 тонна серқаймоқ сут, 40 тонна гўшт тортиқ қилдилар.

Лекин бу билан туманда фермер хўжаликларининг ишини мақташ фикридан йироқмиз. Уларнинг ҳам ўзларига яраша талай муаммолари бор... Масалан техника олиш учун қарз берилмайди, оламан десангиз ҳам, қоғоз тўлдиришларга кетадиган оворагарчиликлар ҳолдан тойдиради. Энг муҳими, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини топшириш қийнайди. "Сайдон" деҳқон хўжалиги 1992 йилда гўшт тайёрлаш идорасига 20 минг сўмлик қўй, эчки топширган. Лекин пулини вақтида ололмай "чув" тушди. Ёки "Мақсад" деҳқон хўжалиги 300 килограмм юқори навли жунни қаерга сотишни билмай ҳайрон. Чунки олувчи сув текинга сўрайди. Шунинг учун ҳам фермерлар иложи борича маҳсулотини қайта ишлаб, бозорга чиқаришни афзал билишади. Бир ҳисобдан тўғри қилишади. Ажабмас, шу сабаб бўлиб, қайта ишлайдиган тармоқлар кўпайиб қолса.

Умуман олганда республикамизда фермерликка — деҳқончилигимизнинг истиқболи сифатида эътибор берилаётгани бежиз эмас. Чунки фермерларда эртанги кунга ишонч уйғотиш маъмурчиликни таъминлашдир.

**И. ХОЛБОЕВ**
**Навоий вилояти**

**Шираси тилни ёрар.**

# ПАХТАЗОР ЧОРЛАМОҚДА

*• Ёшлар етакчиси ҳам далада*
*• 40 тийин ҳам катта пул*
*• "Тоҳир ва Зуҳро" — хўжалик номи ана шундай номланади.*

Ҳа, чиндан ҳам шундай. Бугун пахта далаларимизнинг жамоли ўзгача. Кечагина қўмкўк бўлиб турган бепоён далалар оппоқ либосга бурканмоқда. Чаноқларда лўппи-лўппи бўлиб очилган бўлиқ ҳосил нишоналари гуё мени териб ол дея кишини ўз бағрига чорламоқда.

Куни кеча Ғузор туманидаги "Тоҳир ва Зуҳро" номли жамоа-ширкат хўжалигида бўлдим. Хўжаликнинг доврўғи биргина Қашқа воҳасидагина эмас, балки республикамизга кетган. Чунки, мазкур хўжаликда пахтанинг "Юлдуз" нави синовдан ўтиб, деҳқонлар томонидан истиқболли нав сифатида тан олинди. Хўжалик деҳқонлари ҳар йили пахтанинг шу навидан экишиб, далаларда мўл-кўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Айни пайтда хўжаликда пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Теримни хўжаликда биринчи бўлиб Абдусамад Саидов бошлиқ ёшлар бригадаси жамоаси бошлаб беришди. Мазкур бригада даласида бўлдим. Оловқалб ёшларнинг баракали меҳнат самараси шундоққина кўриниб турибди. Оппоқ далалар кишини беихтиёр ўзига чорлайди. Ёшлар етакчисини ҳам даладан топдим.

— Неча гектар майдонда деҳқончилик қилаяпсизлар? — сўрайман бригадирдан.

— 60 гектар.

— Режалар қанақа?

— Режа бўйича давлатга 153 тонна "оқ олтин" етказиб беришимиз керак. Аммо биз терим олдидан далаларимиздаги мавжуд ҳосилни чамалаб чиқиб, бу рақамни 200 тоннага етказишга жазм қилдик.

— Қўл теримида кимлар пешқадамлик қилишмоқда?

— Қайси бирини айтсам, ҳамма ишчиларимиз ҳам фаол қатнашмоқда. Озода Муҳаммадиева, Феруза Оқбоева, Меҳмон Жумаева, Ўғилой Шердонаеваларнинг ҳимматини алоҳида қайд қилиш лозим. Бу ёшларимиз теримнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар бири кунига 90-100 килограммдан пахта теришмоқдалар.

— Теримчиларга ҳақ тўлаш қандай?

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш юзасидан қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжатда пахтакорларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳам қайд қилиб ўтилган. Бизда шу асосда қўлда терилган бир килограмм пахтага 40 тийин берилаяпти.

— Терим қатнашчиларига яратилган шароит ҳақида тўхталсангиз?

— Шароит яхши. Дала шийпонимиз деҳқоннинг иккинчи уйига айлантирилган десам хато қилмайман. Ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат, мунтазам равишда чой қайнатиб берилмоқда. Бундан ташқари қовун-торвуз ва турли хил сабзавотлар ўзимиздан чиқади. Шийпон атрофига экиб ташлаганмиз.

Ҳа, дала айланиб, пахтакорлар билан дилдан суҳбат қуриб бригадирнинг гаплари тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Ҳосил ниҳоятда мўл. Кўзланган марра ҳам эгалланиши аниқ.

Шу куни хўжаликнинг Холиқул Шоймуродов, Рашид Нормуродов бошлиқ бригадалари далаларида бўлдим. Мазкур жамоаларда ҳам пахта йиғим-терими қизғин олиб борилмоқда.

Шу ўринда бир нарсага тўхталиб ўтмоқчиман. Хўжаликнинг номи бежизга "Тоҳир ва Зуҳро" деб аталмаган. Хўжалик ҳудудида ана шу севишганларнинг қабри бўлиб, айни пайтда ўша ерда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Севишганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилиб, ёдгорлик атрофлари ободонлаштирилмоқда. Келгусида бу жой ёшларнинг энг сўлим зиёратгоҳига айланиши турган гап.

Хўжаликдан қайтар эканмиз, бу ерда ҳақиқий Тоҳир ва Зуҳролар кўп эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

**Аҳрор САМАРИДДИНОВ,**
**"Туркистон" мухбири.**

*Қанотли хабар*

### ШОЛИ ЎРИМИ АВЖИДА

Чимбой туманининг Қизил-Ўзак ва Пиржон Сейитов номидаги хўжаликлари меҳнаткашлари айни шу кунларда "қаҳрабо дон" йиғимини қизитмоқдалар. Улар билан белма-бел меҳнат қилаётган "Майёп" жамоа хўжалиги шоликорлари ҳам илғорлар сафида бормоқда.

Мазкур хўжаликнинг Қобилбек Кенжабоев етакчилик қилаётган ёшлар бригадаси шоли йиғими мусобақасида пешқадамлик қилишяпти.

Серғайрат ёшлар ўтган йили мавжуд 170 гектар шолипоянинг ҳар гектаридан 54 центнердан ҳосил йиғиб олган эдилар. Айни кундаги ҳосил чўғи эса бемалол 60 центнерни қоплайди.

### ОИЛА МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИ

Беруний туманининг "Ленинизм" жамоа хўжалигидан Чамангул Адишева оиласи тайёрлов пунктига 6 тонна "оқ олтин" топшириб, шахсий режасини 10 сентябрь куни бажарган эди.

Оила яна 2,6 тонна пахта топшириб, мажбуриятни ҳам уддалади. Эгалланган маррага оиланинг ёш теримчилари Саломатхон, Тиллахон, Рустамбек ва Равшанбеклар муносиб улуш қўшдилар. Қувончли томони шундаки илғорларнинг деярли ҳаммаси Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи аъзоларидир.

Биргина режадан ортиқ терилган 2,6 тонна "оқ олтин" учун берилган ҳақ 10 минг сўмдан ошиб кетди. Меҳнатсевар оила миллий валютамиздан кўпроқ ишлаб қолиш учун теримни бўшаштирмаётир.

**(Ўз мухбиримиз).**
**Қорақалпоғистон Республикаси**

*Ўқиб, дам олинг*

# ХАНДАЛАР

Омади чопган ишбилармон набирасини кўргани узоқ вилоятдан бувиси келди. Уйга кириб оқ жиҳозу безакларни кўриб, оғзи ланг очилиб қолди: ана бойлигу, мана бойлик! Кейин йиғлаб юборди. Ишбилармон набира ҳайратланиб сўради:

— Сизга нима бўлди, бувижон?

— Нима-нима? Сен нимани кўрибсан, мен ўн еттинчи йилни кўрганман. Наҳотки, яна қизиллар келишса?!

***

"Жигули"ни ҳайдаб келаётган аёл бир кишини туртиб юборди. Кўрқиб кетганидан йиқилиб ётган жабрланувчига жон ҳолатда шундай деди:

— Кўзингизга қарсангиз бўлмайдими? Уч йилдан бери машина ҳайдайман, бунақаси биринчи марта юз бериши! Шунинг учун яхшиси, айбингизни бўйнингизга олинг.

— Яна нималарни истайсиз? — сўрабди пиёда ҳам ўрнидан зўрға қўзғалар экан, — сизнингча, мен айбдор эканман-да? Агар билсангиз, эллик йилдан бери пиёда юраман, бундай воқеага биринчи марта дуч келишим...

***

— Ойи, юришга яроқсиз бўлиб қолган машинасини одамлар нима қилишади?

— Сенинг отангга сотишади...

***

Врач бемордан сўради:

— Айтинг-чи, хотинингизни ҳеч алдайсизми?

— Бўлмасам-чи! Яна кимни ҳам алдардим.

***

— Азизим, тўйдан кейин ҳам мени севасанми?

— Севаман! Чунки мен азалдан эрли хотинларни яхши кўрганман.

**Газета саҳифаланаётганда:**

### *ҚАРДОШЛИК САЙЛИ*

**"БИР ТАНМИЗ, БИР ЖОНМИЗ..."**

*Бугунги кунда юртимизда миллий қадриятларга, муносабатларга катта эътибор қаратиляпти. Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси бу масалада, айниқса, намунали ишларни амалга оширмоқда. Маориф ва тарбия бош муҳарририяти томонидан ҳар ҳафтада эфирга чиқадиган "Бир танмиз, бир жонмиз, она Туркистонмиз" кўрсатуви 25 сентябрь куни "Боғи Эрам" оромгоҳида ёзиб олинадиган бўлди.*

Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси ва Республика "Наврўз" жамғармаси ўлкамизда олтин куз байрами, Меҳржон халқ сайли бошланиши муносабати билан шу номли қардошлик сайлини ўтказишга қўл урди. Шу билан бирга республикамиздаги Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон элчихоналари ва республикада иш юритаётган қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ, уйғур миллий-маданий марказлари ҳамкорлик қилди.

Сайл ўз номи билан қони, жони, дили-тили бир бўлган, бир илдиздан куртак отган бутун туркистонликларни чорлайди. Сайлда ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур халқларининг куй-қўшиқлари, севимли носиру фозилларнинг дил сўзлари ва шеърлари янграйди.

Оромгоҳнинг ярмини кузнинг саховатли мевалари билан безаб турган деҳқонларнинг расталари, эл дилидан ўз қўшиқлари билан жой олган дасталарнинг чиқиши эса мустақилликнинг уч йиллигини зўр тантаналар билан нишонлаётган юртдошларимизни ва қондошларимизни хурсанд қилиши муқаррар.

**Л. КАРИМОВА.**

### КЕЛГУСИ СОНДА:

**• Нақд пулсиз муомала**
**• «Қора қоплон»нинг туғилиши**


ДИҚҚАТ!

ТИЛ ВА КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Компьютерда ишлаш, инглиз тили ёки турк тилини ўрганиш бўйича курслар 10 октябрда очилади.

Курсларга қатнашмоқчи бўлган 8-9-11 синф ўқувчилари 1 октябргача рўйхатдан ўтишлари керак.

Имтиҳон 2 октябрда бўлади. Имтиҳонда мактаб программаси асосида саволлар берилади.

Рўйхатдан ўтиш учун 2 та сурат (3x4), табель ёки шаҳодатнома кўрсатилади.

*МАНЗИЛИМИЗ:* 700000, Тошкент, Пушкин кўч, 69-уй. (Ҳамид Олимжон метро бекати, Болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказининг 1-қавати)

Мулоқот учун тел: 33-34-22, 33-34-03.

# "НЕДИН ЭРКАН БУГУН ОЛАМ МУАТТАР БЎЛМОҒИ"

***Оламнинг муаттарлиги халқимизнинг асрий орзуси, қалбларимизга нур бўлиб кирган буюк мустақиллик шарофатидан. Ферузнинг 150 йиллик таваллуд тўйининг кенг нишонланиши ҳам истиқлолимизнинг бир неъматидир.***

Муаффар АҲМАД

## ФЕРУЗ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Дедим: эй шўхи нозанин, дарддин фориғ қил раҳм этиб,
Деди: муҳаббат дарсини бедардга бўлмас ўргатиб,
Дедим: дарснинг баҳоси не? Деди: бўлмас пулга сотиб,
Дедим: кўзумни равшан эт меҳри жамолинг кўрсатиб,
Деди: узорим ўтига жисминг нетарсан ўртатиб?!
Дедим: сенинг ишқингда мен бўлдим сойир, овворайе,
Деди: васлу дийдорсиз бу дардга бўлмас чорае,
Дедим: жон пора-порае! Деди: манглайинг қорае!
Дедим: тараҳҳум айлабон ҳолимга қил наззорае,
Деди: кўзум жонинг фигор этгуси ноз ўқин отиб.
Дедим: қурбонлиғим санга меҳру эҳтиромим эрур,
Деди: лутфу гуфторларим садақа айёмим эрур,
Дедим: кўзларинг мастона... Деди: лим-лим жомим эрур,
Дедим: висол ичра лабинг шаҳди манинг комим эрур,
Деди: они бергум санга заҳри фироқ ичра қотиб.
Дедим: бежон қилди мени ҳажрингнинг юттирган уви,
Деди: сайёд не наф олур асов эрса тутган ови?
Дедим: висол истаюрман! Деди: завол—ушшоқ дови!
Дедим: лабингни шарбати ширинми ё кавсар суви?
Деди; бўлурму ҳар сувни оби бақоға ўхшатиб!
Дедим: суҳбатлар айлали ўтмай тириклик дамлари,
Деди: кўнглум нотинч эрур, дилда дунёнинг кадари,
Дедим: киприкларинг — жуфт-жуфт... Деди: улар — мастон бари,
Дедим: кўзунг бедор қил ноз уйқусидин, эй пари,
Деди: бу лаҳза фитнаи ноимни нетгунг уйғотиб?
Дедим: кўйнунг эрур чунон беҳишту жаннатнинг боғи,
Деди: чин ошиққа раво шаҳду шакару қаймоғи,
Дедим: қачон муяссарлиғ? Деди: айни саҳар чоғи,
Дедим: недин эркан бугун олам муаттар бўлмоғи?
Деди: сочимни тонг ели юз узра солмиш бутратиб.
Дедимки: мен — азми дийдор, дину диёр айлаган эр!
Деди: мудом Ҳаққа интил, тақвога юр, оғушни кер!
Дедим: Ғолиб бўлгум келур! Деди: тарк этсанг ишқу шеър...
Дедим: кўзингдан ўргулай, Ферузга бир бўса бер?
Деди: юзумни оғритур ҳар ён хаттинг ниши ботиб...

Уйғониш даврида пайдо бўлган ўзбек хонликларидан бири Хева юксак маданият ва маърифат марказига айланган ва жаҳонга машҳур бўлган. Бир неча йиллар давомида ўз қудрати ва туганмас ажойиб воқеаларга бойлиги билан тарих саҳифаларини тўлдирган афсонавий ўлка кўҳна Хоразмдир.

Муҳаммад Раҳим Соний (Феруз) даврида Хива хонлиги Рус империясига қарам бўлишидан қатъи назар иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан анча ютуқларга эришган, мамлакатда умуман осойишталик ва тўқ-фаровон ҳаёт ўрнатишга ҳаракат қилган. У ўз нинг деярли ярим асрлик подшолиги вақтида жуда кўп катта-кичик қурилишлар ва иқтисодий-сиёсий тадбирларни амалга оширган. Феруз қурилиш ишларида, санъат ва адабиётда ўзбек миллий анъаналарини давом эттириш тарафдори бўлган ва бунга амал қилишни меъмор ва ҳунармандлардан, санъаткор, шоир ва тарихчи олимлардан қаттиқ талаб қилган. Бунга намуна қилиб 1871 йилда қуриб битказилган кўҳна арк қаршисидаги Муҳаммад Раҳимхон мадрасасини ўрта асрдаги меъморчиликнинг энг ажойиб анъаналарини ўзида мужассамлаштирган гўзал обида, деса бўлади. Мадрасанинг икки қаватли биносида ёзги ва қишки масжид, дарсхона ва кутубхона, 76 та ҳужра мавжуд бўлиб, талабаларнинг таълим-тарбия олиши ва ўқиши учун барча шароитлар яратилган. Хоннинг ҳомийлиги, ташаббуси билан ва раҳбарлигида XIX аср охирида XX аср бошларида йигирмадан ортиқ мадраса, масжид, минора ва йўллар барпо этилган. Масалан, Тўра Мурод ва Бикажон миноралари (1888 ва 1894 йиллар), Полвон қори ва Қози Калон мадрасалари (1905 йил), Полвон дарвоза (1906 йил), Ислом Ҳўжа мадрасаси ва минораси, почта ва телеграф бинолари (1910-1912 йиллар) ва бошқа кўплаб ажойиб обидалар бевосита Муҳаммад Раҳим Соний исми билан боғлиқ. Машҳур мадрасаларда замонасининг етук олим ва шоирлари охунлик, муфтилик вазифаларини адо этганлар. Эски ҳаётбахш сув иншоотларини таъмирлаш, янги канал ва ариқлар ўтказиш ишларида ҳам Феруз жонкуярлик билан фаол қатнашган. Унинг буйруғи билан Қўнғирот туманида Хонён ариғи қазилди, Шўрахон ариқларидан Калтаминорён, Боғён, Амиробод шохобчалари, Сарибой ариғи ва бошқа сув иншоотлари қурилган эди. Хонликнинг бош каналлари Полвонён ва Шовотни ҳар йили баҳорда тозалашда Феруз шахсан ўзи раҳбарлик қилган. Хеванинг энг катта уламолари иштирокида фотиҳа ўқилиб, қазиб бошланишидан олдин хон ёп ичига тушиб, қўлига бел олиб биринчи бўлиб тупроқни ёпдан олиб рошга отган.

Феруз замонида илгари вайрон бўлиб кетган бинолар ва иншоотлар қайта тикланди, янги канал ва ариқлар, карвонсаройлар ва олтмишга яқин мадрасалар ва масжидлар барпо этилди, янгича мактаб, амбулатория ва табобат маркази очилди. Асримиз бошларига келиб хонликда 130 мадраса, 1636 масжид ва 1500 мактаб бўлган. Хоннинг фармони билан давлат ҳисобидан мадраса мударрислари, охунлари, Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг Феруз ижодидаги аҳамияти катта. У ажойиб таржимон, шоир ва тарихчи сифатида Ферузни соз илмига ва тарихга меҳр қўйишига зўр таъсир қилган. Тадқиқотчиларнинг таърифича, Муҳаммад Раҳимхон Соний Хева ва унинг атрофидаги энг зўр шоир, адиб, муаррих, мусиқашунос, санъаткорларни саройга йиғиб ўзига хос адабиёт ва санъат марказини яратган. Ферузнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида саройда ашулачи, созанда ва масхарабозлар кўриги узликсиз ўтказилиб турган, у энг зўр санъаткорлар иштирокида мунтазам бўлиб турган мақомхонлик кечаларида ўзи қўлига танбур олиб, нағма-навозликни бошлаб берган.

## "ЖАҲОНДА СОЗНИНГ АНВОЙИ КЎПДУР"

имомлари ва 1338 ўқувчи, жами 1800 га яқин кишининг таъминоти учун пул сарфланган. Биргина Хева ва унинг теварагида 137 та масжид бўлган. Демак, хонликда аҳолининг саводлиги анча юқори эканлигини алоҳида қайд қилиш лозим.

Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг санъат соҳасида қилган хизматлари бениҳоя катта. У истеъдодли шоир ва етук мусиқашунос, моҳир созанда ва бастакор сифатида машҳур бўлибгина қолмай, барча адиб ва санъаткорлар ҳомийси ва ғамхўр раҳбари ҳам бўлган. Унинг ғамхўрлигида Табибийнинг "Мажмуатуш шуаро", Баёнийнинг "Шажараи Хоразмшоҳи", Комил Хоразмий ва Ризо Огоҳийнинг асарлари яратилган. Феруз саройида йиғилган ўттизга яқин шоирларнинг шеърлари девон бўлиб чиққан, жуда кўп ажойиб форс-тожик ва бошқа тиллардаги асарлар ўзбекчага таржима қилинган, "Баёзи мусаддасот", "Баёзи ашъор" каби мақом ва шеър тўпламлари пайдо бўлган. Феруз ҳомийлигида ўнлаб истеъдодли шоирлар, моҳир созанда ва раққослар, хушхат хаттотлар, ажойиб муаррихлар етишиб чиққан. Хоннинг устози ва дўсти Феруз энг қадимий "Шошмақом"ни тўлиқ ўрганиб, Хоразмнинг "Наво", "Сегоҳ", "Дугоҳ" мақомларига боғлаб ўз куйларини яратган. Унинг мусиқага муносабатини таърифлаб Комил Хоразмий шундай деб ёзади:

Гар олса илгига шоҳ танбур,
Чекар кўнглимдек улиқ оҳ танбур...
Жаҳонда сознинг анвоъйи кўпдур,
Вале истар ғадову шоҳ танбур.
Бўлур ушшоқ, эй мутлиб, асиринг,
Олиб соз айласанг "Дугоҳ" танбур.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг энг ажойиб фазилати адабиёт ва санъатга раҳнамолиги ва ҳомийлигидир. У ўзининг ажойиб замондошлари ва устозлари Огаҳий, Баёний, Комил, Мирзо каби шоирларга эргашиб ғазал ва шеърлар машқ этган. Баёнийнинг таърифича, "Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бундан Феруз тахаллуси билан мутахаллус бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнгра шеърга кўпроқ харис бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоқга саҳл қобилиятлари бўлса, навъи шеърларни айтиб даргоҳи олийга олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари кам беш қирққа ёвуқ берди". Унинг даврида фан, адабиёт, маданият анча ривожланган. Илм аҳлига ва маърифатга, талабалар тарбиясига эътибор берилганлигини шоир Табибий алоҳида қайд қилади: "Ҳамиша ул жанобнинг шарофатли одати, — деб ёзади хоннинг устози Огаҳий,— уламо ва фузало зумрасига навозиш ва марҳамат кўргузмак, хусусан, шуаро ва зурафо жамоаси шаънида бахшиш ва тарбият русимин тузмакдир..." Илм аҳлига ғамхўрлик ва ҳомийликни, Феруз ижодининг юксаклигини таърифлаб шоир Табибий шундай деб ёзади:

Қилиб фазлу илм аҳлига тарбият,
Қилур назм элин соҳиби мартабат.
Бале, сўғин қадрин сухандон билур,
Илм аҳлига олам иззат қилур.

Муҳаммад Раҳим Соний Феруз саройида истеъдодли шоирлар ва олимлар тўпланиб, ўзига хос маданий-адабий муҳит яратилган. Айрим санъаткор, адиб ва тарихчилар саройида юқори мансабларга қўйилган, улар иштирокида шеърий мусоҳабалар, мақом оқшомлари ва мусиқали базмлар ўтказилган. Унда хоннинг ўзи фаол қатнашган. Устоз Комил Хоразмийнинг ташвиқи билан энг қадимий мақомларни тўлиқ ўрганиб, "Наво", "Сегоҳ", "Дугоҳ" мақомларига боғлаб, ўзига хос куйлар яратган. Замондошларининг таърифича Феруз соз илмини, Хоразм олти ярим мақомини жуда яхши билган, дутор, танбур, ғижжак ва доирада зўр маҳорат билан куй чалган. Муҳаммад Раҳим яратган Феруз мақоми энг ажойиб ва ўлмас мусиқа асари бўлиб тарихга кирган.

Ажойиб шоир ва мусиқашунос, илм-маърифат ва санъатнинг ғамхўр ҳомийси, моҳир таржимон ва ҳаттот, хоразм адабиёти ва санъатининг улуғ билимдони, Хева тахтида 47 йил ўтирган таниқли давлат арбоби Муҳаммад Раҳимхон Соний-Феруз шахсини халқимиз айтиши мумкинки, Мустақиллик шарофати туфайли яна қайтадан нашр этди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, Феруз ҳам умрининг охиригача ана шу армон билан яшаган эди.

**Исо ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори**
**Қодир ЭРНАЗАРОВ,**
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

*Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари*

## ОҚСУВДАГИ ҲАРБИЙ ҲОЛАТ ВА ХЕВАНИНГ ЕНГИЛИШИ

**Америкалик журналист Мак-Гаханнинг ёзмаси. 1875 йил. "Русский вестник" иловаси**

Хон ўттиз ёшлардаги, бақувват ғавдали, истараси иссиқ, катта-катта кўзлари чиройли, қиғғий бурун, соқол-мўйлаби сийрак, оғзи катта ва ҳиссиётли киши. Кўринишидан у жуда кучли ва қудратли бўлиб, кенг елкалари баланд бўй-бастига монанд, тахминимча, оғирлиги олти пуддан ортиқроқ келади. Хоннинг эгнида узун, оч ҳаворанг шойи тўн, бошида Хеванинг баланд, қоракўл телпаги. У генерал Кауфманнинг қаршисида кўзларини ерга тикканича, андак ҳаяжон ичра ўтирарди. Табиийки, ўзини Туркистонда ярим подшоҳ санаган хон учун генерал-губернатор билан бундай вазиятдаги учрашув ўта кўнгилсиз эди. Бу икки одам кўринишидан ҳам бутунлай бир-бирининг акси. Генерал Кауфманнинг жуссаси хоннинг жуссасидан ярим баравар кичик, лабларида истеҳзоли табассум, Русиянинг тарихий душманини оёқлари остида кўриб турганидан мамнунлиги заҳил юзларида яққол сезилиб турибди. Менга етук ҳарбий техниканинг ибтидоий кураш устидан қозонган ғалаба тафсилоти бу икки эркак тимсолида ёрқин намоён бўлгандек туюлди. Рицарлик даври бўлса, хон ўзининг баҳайбат ва қудратли ғавдаси билан уруш худоси даражасига кўтариларди. Яккама-якка курашда хон бутун полкни мағлуб қилиб, ҳақиқий "Calurdelion" бўларди. Ҳозир эса рус армиясининг ношуд солдати ҳам ўзини ундан кучли ҳисоблайди.

— Мана, хон,— деди генерал Кауфман,— кўриб турибсизки, ваъда қилганимдек, сиз билан яна учрашдик.

— Ҳа, худонинг хоҳиши билан,— деди хон.

— Йўқ, хон, бунга худо эмас, ўзингиз сабабчи бўлдингиз. Агар уч йил аввал менинг маслаҳатларимга қулоқ тутганингизда ва талабларимни бажарганингизда эди, бизни бу ерда кўрмас эдингиз. Яъни, менинг сўзимга кирганингизда эди, худонинг бу хоҳиши амалга ошмаган бўларди.

— Биз учун ярим подшони кўриш шараф.

— Хон, мен учун ҳам бундай учрашув шараф. Ишга ўтайлик. Энди нима қилмоқчисиз? Ниятингиз нима?

— Мен бу масалани ечишни сизнинг ақлу-заковатингизга ҳавола қиламан. Менинг фақатгина буюк оқ подшога хизматкор бўлишдан ортиқ ниятим қолмади.

— Жуда яхши. Истасангиз, оқ подшонинг хизматкори эмас, дўсти бўлишингиз мумкин. Бу фақат ўзингизга боғлиқ. Буюк оқ подшонинг мақсади сизни тахтдан қулатиш эмас, у фақат нимага қодирлигини исботламоқчи бўлди, холос. Сиз унинг куч-қудратига амин бўлдингиз. Буюк оқ подшонинг буюклиги сиздан қасос олишга йўл бермайди. Сизга ўз кучини кўрсатган оқ подшо сизни кечиришга тайёр. Агар бизнинг шартларимизни қабул қилсангиз, тожу-тахтингиз яна ўзингизга қайтарилиб берилади. Шартларимиз хусусида кейинроқ гаплашамиз.

— Баъзи кимсаларнинг номаъқул маслаҳатига кириб, ҳаққоний талабларингизни бажармай катта хато қилдим. Бундан буён нима қилиш кераклигини яхши биламан. Буюк оқ подшо ва ярим подшога бизга кўрсатган олижанобликлари учун ташаккур билдираман ва ҳар доим уларнинг дўсти бўлиб қоламан.

— Энди сиз пойтахтингизга қайтишингиз мумкин. Давлатингизни тикланг, халқингизни бошқаринг ва тартиб ўрнатинг. Ўз қўл остингиздаги халққа етказинг: ҳар ким ўз машғулоти билан шуғуллансин, ҳеч ким уларга озор етказмайди. Яна айтингки, ўрислар қароқчи ва босқинчи эмас, аксинча, софдил одамлар, уларнинг хотин-қизларига ҳам, мол-мулкига ҳам қўл текизмайдилар.

Сўнг улар бир-бирларига яхши тилаклар билдиришди. Кейин хон чиқиб кетди.

***Ушбу мақолани Ферузнинг Таня исмли эвараси нашрга тайёрлаган, у филология фанлари номзодидир.***

*Бирни кўриб шукр қил...*

## УЛАРНИНГ ГУНОҲИ НИМА ЭДИ?

### ХОН АВЛОДЛАРИНИ ЙЎҚЛАБ

1991 йил баҳор ойлари эди. Хева шаҳри яқинидаги Огаҳий номли жамоа хўжалигида Огаҳий уй музейининг бадиий безак ишларини бажариш билан шуғулланаётган эдим. Бўёқларим тугаб қолиб, Тошкентга боришга тўғри келди. Бир куни Москва телевидениесининг "Время" кўрсатувида Хевага Ферузнинг набираси Абдурасул Тўра қизлари билан ташриф буюрганини кўрсатишди. Бу воқеадан ақлим ҳайрон бўлди. Чунки онам Бикажон-бика "Феруз авлодларини большевиклар Бекоболоднинг қумига олиб чиқиб отиб ташлаганлар", деб айтган эдилар. Зудлик билан Урганчга йўл олдим. Хевада Ичан қалъа музей раҳбарларига учрашдим. "Абдурасул Тўра кетиб қолди", дейишди, кейин мен уларни Украинадаги адресини олдим. Кривой-Рог шаҳрига Абдурасул Тўра номига хат ёздим. Хатимда рассом эканлигимни, Феруз тўғрисида кўп йиллардан бери ижод қилаётганлигимни ва Абдурасул отадан Феруз тўғрисида қўшимча маълумотлар сўрамоқчи эканлигимни билдирдим. Хатимга жавобни отаси номидан кичик қизи Олмахон ёзибди ва мени Кривой-Рог шаҳрига меҳмонга чақирибди.

У пайтлар совет даври эди. Шунинг учун Рассомлар уюшмаси раиси Жалоловдан қўрқа-писа Кривой-Рог шаҳрига сафарга рухсат сўрадим. У киши фикрларимни эшитиб, жуда хурсанд бўлди. "Уюшманинг иқтисодий аҳволи ночор бўлса-да, сизга маблағ топамиз, хайрли ишга қўл урибсиз", деди.

19 июнь куни Кривой-Рог шаҳрига учиб кетдим. Аэропортда мени отанинг набиралари кутиб олишди. Сўнгра Любов Абдурасулованинг уйига бордик. Любов ғавдали, бақувват хоразм аёлларини эслатарди. Кейин биз Абдурасул ота истиқомат қиладиган уйга бордик. У ерда бизни Абдурасул ота, катта қизи Лидия, Хоразмдан келган икки меҳмон — журналист Азимбек Усмон ва урганчлик жияни Ҳамробек кутиб ўтиришган экан. Ота билан қучоқлашиб кўришдим, у кишини тавоф қилдим. Абдурасул ота қартайиб, букчайиб қолган бўлса-да, бир пайтлар жуда бақувват, чидамли одам эканлиги сезилиб турарди. Отанинг катта қизи Лидия сингилларига нисбатан уюшқоқ, татар аёлларини эслатарди. Унинг меҳрибон кўзлари, меҳмондўстлиги, албатта, Хоразм аёлларига ўхшаб кетарди. Ўтиришим биланоқ Хоразм тарихи бўйича суҳбат бошладик, суҳбатимиз етти оқшом, етти кундуз давом этди. Сўзлашиб сўзга, гаплашиб гапга тўймас эдик. Албатта,бир мақола орқали бутун тафсилотни ҳикоя қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам фақат матбуотда эълон қилинмаган лавҳалар устида тўхтайман.

Ўзим билан бирга Кривой-Рог шаҳрига Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев ижросида айтилган Огаҳий ва Феруз ғазаллари, Хоразм мақомлари ёзилган магнит лентасини олиб борган эдим. Абдурасул ота музикани эшитиб, "Бу Феруз бобом ёзган музика, дуторда чалиб ўтирарди", деди. Ашула ва музика давомида отанинг кўзида ёш айланди. Музика тугагандан кейин биз яна тарих борасидаги савол-жавобга ўтдик. Мен ўзимга керакли этнографик маълумотларни, яъни кийимлар, нишонлар, жиға, телпак тузилишлари, оёқ кийимлари тузилишларини бирма-бир чизиб кўрсатиб, отадан аниқлаб олдим. Кейинчалик Ферузнинг характери, хулқ-атвори тўғрисида эслаганларини гапириб беришини илтимос қилдим.

*Суратда: Ферузнинг набириси Носир тўра хотини Ирина ва ўғли билан. 1932 йил.*

— Мен 6—8 ёшларимдаги баъзи лавҳаларни эслайман — деб гап бошлади ота. — Феруз бобом биз неваларини "Тоза боғ" деб аталмиш боғда қабул қиларди. Тиззасига ўтқазиб қанд улашарди. Кейин қўлларимиздан ушлаб, боғни сайр қилдирарди. Мен унинг ўзи қўлига белкурак, кетмон олиб гулларни суғориб, ариқларни тозалаб юрганини кўп кўрганман. Мушоиралар, созандалар анжумани ҳам боғда ўтарди. Феруз бобомиз ҳамма набиралари ичида мендан 15 ёш катта Носир тўра акамни жуда яхши кўрарди. Акам нима илтимос қилса, шу заҳоти бажо келтирарди. Ҳатто акамга Петербургдан микроскоп келтириб берди. Акам Носир тўра шеър ёзиш билан бирга илмий иш билан, микробиология асосларини ўрганиш билан шуғулланарди. Рус тилини мукаммал билгани учун рус олимларининг китобларидан фойдаланди. Акамдан кўриб, бизлар ҳам ўйинчоқ сифатида микроскопдан қарардик ва битларнинг худди қутурган ҳўкиздай қадам ташлаганини кўриб дод, деб қочардик.

Феруз бобом жиға ўрнатилган Хоразм давлат герби (туғроси) тақилган сур телпакни фақат байрамларда киярди. Бошқа пайтларда фақат оддий силкма чўғирма кийиб юрардилар. Хоразм хонлари тож кийишаган, давлат туғроси ўрнатилган Ҳазорасп чўғирмаси (телпаги) тож ўрнини босарди.

Ферузнинг яна бир хислати — отларни яхши кўрарди. Отхонага кириб, отларни силаб-сийпалаб, уларга ем, сув бериб юрганини бир неча марта кўрганман. Ҳар куни эрталаб отхонага кирарди. Кейин отхонадан чиққан жойда бир айвонча бор эди. Худди шу айвончада ўтириб одамларни қабул қиларди, уларнинг арзу-додини эшитарди...

Кейин мен Абдурасул тўрадан Носир тўра тўғрисида кўпроқ гапириб беришларини илтимос қилдим. Абдурасул ота сўзида давом этди:

— 1920 йили февраль ойида Шайдаков бошлиқ болшевиклар Хевада ҳарбий тўнтариш ўтказдилар. Амаким Сайид Абдуллани ўз ихтиёри билан тахтдан воз кечишга мажбур қилишди. Шу йили 12 июнь куни хон авлодлари уйларига бостириб кириб, 10 кишини — Сайид Абдулла тўра, отам Муҳаммадиёр тўра, Муҳаммад Юсуф тўра, Ибодулло тўра, Саъдулло тўра, Носир тўра, Муҳаммад Ёқуб тўра ва мени ҳибсга олиб, кечаси Полвон канали орқали қайиқларга миндириб олиб кетишди. Ўша пайтлари мен 18 ёшда, акам Носир тўра 39 ёшда эди. Акам орамизда энг саводлиси ва ақллиси эди. Бизларни отишга олиб кетишяпти, деб ўйладик, лекин ҳеч кимни отишмади. Бизларни Москвадаги Лубанк-2 деган турмага қамашди. Уч йилдан кейин Ленинга хат ёзганимизда бизларни Кривой-Рог шаҳрига сургун қилишди. Акам Носир тўра турмада ҳам, сургунда ҳам тинмасдан шеър ёзарди, расм чизарди. Хевадалигимизда акам "Султоний" тахаллус билан шеър ёзиб, Ферузнинг китобларини нақшлар билан безаб, шоир ва рассом сифатида танилган эди. Кривой-Рог шаҳрида бизлар ҳаммамиз рус аёлларига уйландик, лекин акам Носир тўра хотинга ёлчимади. Бир неча марта уйланди. Охирги хотини Ирина анча баджаҳл, қариндошлар билан унча борди-келди қилмас эди. Иринадан акам битта ўғил фарзанд кўрди. 1940 йилларга келиб оғир бир касалга учради. 1944 йил бу касал акамни йиқитди. У вафот қилганида кафанлик ҳам топилмай қопга солиб кўмдик. Бугунги кунда унинг мозори ҳам йўқ бўлиб, шаҳар тагида қолиб кетди, — деб сўзини тугатди Абдурасул ота.

Бу воқеани эшитиб, янада ҳаяжонландим. Буюк бобомиз, шоир, бастакор, маданият ҳомийси Ферузнинг набираси — талантли шоир, олим, рассом Носир тўрага шон-шуҳрат у ёқда турсин, ҳатто бир кафанлик, бир мозор ҳам насиб этмаган.

Абдурасул тўранинг бу ҳикоясини эшитиб, ҳолим забун бўлди, менинг ҳам кўзимда ёш айланди ва бу тўғрида картина ишлашга ахд қилдим.

— Носир тўра ўғлининг тақдири нима бўлди? — деб савол бердим. Абдурасул ота давом қилди:

— Носир тўра ўлганидан кейин Ирина ўғлининг фамилиясини, отини ва отасининг отини ўзгартирди, ҳозир ўғлининг исм-фамилияси: Иванов Александр Николаевич. Бу ҳам камлик қилгандек, Ирина Носир тўранинг шеърларини, чизган расмларини ёқиб юборган. Албатта, бугун Иринани айблаш қийин, чунки ҳаммамиз қўрқиб ҳаёт кечирардик. Балким Ирина коммунистлар даврида ўғлининг бахтли ҳаёт кечиришини истагандир?!.

Саша Иванов истеъдодли йигит бўлиб чиқди. У институтни аъло баҳолар билан битказиб, шахтанинг партия комитети бош котиби даражасигача кўтарилди. У ҳозир пенсияда, Кривой-Рог шаҳрида яшайди.

— Мени Иванов билан учраштира оласизми? — деб сўрадим. Абдурасул ота:

— Бунинг илож йўқ, биз билан борди-келди қилмайди, — деди.

Ҳаёт қарама-қаршиликларга тўла, буюк бобомиз Ферузнинг қони ўзгалар қонига қўшилиб кетди.

26 июнь куни Тошкентга қайтишдан олдин Абдурасул ота билан охирги марта видолашдик. Менинг қайтиб кетиш кунимга келиб, Абдурасул отанинг соғлиги ёмонлашиб қолди. Ётган жойига бориб, яна қучоқлашиб хайрлашдим. Менга хат ёзиб тур, деб қайта-қайта тайинлади.

Тошкентга қайтиб келиб янги таассуротлар асосида ижод қилишни бошладим. Эрталабдан кечгача, устахонамда ётиб қолиб ҳатто кечалари ҳам ишлардим.

1991 йил 16 август куни Абдурасул ота вафот қилди, деб хабар келди. Афсуски, жанозага етиб боришга имкониятим бўлмади. 20 август куни қизил империя ҳам қулади. 1 сентябрь куни Мустақиллик байрамини нишонладик. Бу кун юқоридаги фожеаларни эслаб, шу фикрга келдимки, бу фожеалар такрорланмаслиги учун биз Мустақиллигимизни эъзозлашимиз, мустаҳкамлашимиз керак. Ўтиш даври ҳеч бир мамлакатда осон кечган эмас. Тарихдан маълумки, ота-боболаримиз бундан минг марта оғирроқ қийинчиликларни бошларидан кечирганлар. Ҳамдам, иноқ, ҳамфикр бўлайлик.

**Тўра КУРЯЗОВ,**
**Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси.**

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ҳузуридаги ёшлар билимгоҳи жамоаси тиллар ўргатиш маркази директори Нўъмон Камоловга онаси

**ФАХРИНИСО АЯ КАМОЛОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ВАТАН ОҒОЛАРИ

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон • TURKISTAN

*Таъсис этувчи:*
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700081, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 2-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 996 42428 нусҳада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.